



ФАРГОНА ВОДИЙСИ СУГОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ САЗ ТУПРОҚЛАРИ ВА ШЎРХОКЛАРИНИНГ СИНГДИРИШ СИҒИМИ ҲАМДА СИНГДИРИЛГАН КАТИОНЛАР ТАРКИБИ

Холдаров Д.М

*Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти докторанти, б.ф.н,
доцент;*

Собиров А.О

Фарғона политехника институти катта ўқитувчиси;

Зулфиева Д.М

Фарғона АКИС лаборатория мудири.

Тупроқларнинг сингдириш сиғими, улардаги сингдирилган катионлар таркиби тупроқнинг физик-кимёвий хоссаларини тўла-тўқис шаклланишида ва унумдорлигига намоён бўлади. Тупроқларни сингдириш сиғими ва ундаги катионлар миқдорини ўрганишга ва бошқаришга асос солган олим К.К.Гедройц фикрига кўра, тупроқни бу хоссаларини бошқариш асосида уларнинг унумдорлигига таъсир ўтказиш мумкин. Шўр тупроқларда, антропоген омил таъсирида (ўғитлаш, мелиорациялаш, шўр ювиш, суғориш, экиш ва ҳоказо) тупроқни сингдириш сиғими, сингдирилган катионлар таркиби ўзгаради, бу ўзгиш ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Тупроқда сингдирилган катионлар ўзларининг миқдори, атом радиуси, валентлиги, фаоллиги туфайли тупроқда содир бўладиган жараёнларга турлича таъсир ўтказади. Катионлар ўзларининг диспергация қилиш қобилиятига кўра қўйидагича жойлашадилар:



Кўриниб турибдики, энг кўп диспергацияловчи хусусият натрийга ва бошқа бир валентли катионларга хос.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сингдирилган катионлар тупроқ эритмаси билан фаол алоқадорликда бўлиб, шу боис тупроқ эритмасидаги муҳитни маълум даражада бошқариб туради. Айни вақтда тупроқ эритмаси ва унинг таркиби тупроқ сингдириш комплекси унинг таркибий қисмига таъсир кўрсатади.

Чўл минтақаси суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларининг сингдириш сиғими сингдирилган катионлар миқдорига кўра унча катта эмас. Бу ҳолат чўл минтақасидаги ўрганилган тупроқларда чиринди миқдорининг камлиги ва механик таркиби билан боғлиқ. Сингдирилган катионлар орасида кальций ва магний асосий миқдорни ташкил қиласиди. Бу, айниқса, суғориладиган тупроқлар учун хос.

Сингдирилган кальцийнинг миқдори суғориладиган тупроқларда сингдирилган катионлар йиғиндисига нисбатан 38-65 % ни, ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида бу кўрсаткич 55-57 % ни, сингдирилган магний миқдори бу тупроқларда 32-51 % ни ташкил этгани ҳолда ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида 33-36 % га етади. Агар бу кўрсаткичларни нисбий солиштирадиган бўлсак, яъни тупроқларни маданийлашганлик даражасига эътибор берадиган бўлсак, у ҳолда суғориш даври

ортиши билан сингдирилган кальций миқдорини ортиши, магнийни эса камайишини күрамиз. Бу ҳолатни ижобий деб қабул қилиш мумкин. Агар суғориладиган тупроқларни қўриқ шўрхокка солиштирадиган бўлсак, у ҳолда шўрхокларга нисбатан суғориладиган тупроқларда сингдирилган кальций миқдорини кескин ортишини магнийнинг эса нисбатан камайишини 1-жадвалда кўриш мумкин.

Бундай ҳолатнинг сабаблари, энг аввало, суғориш ва агротехник тадбирлар бўлса, иккинчидан ўз-ўзини мелиорациялаш жараёни деб тушуниш мумкин. Шўрхокларда сингдирилган калий ва натрий миқдорлари сингдириш сифимига нисбатан 8-17 % ни ташкил қиласа, суғориладиган тупроқларда бу кўрсаткич 4-5 % ни ташкил қиласди, яъни шўрхоклар кучсиз шўртобланган бўлса, суғориладиган тупроқлар бу жиҳатдан шўртобланмаган гурухга киради.

Ўрганилган тупроқларда шўрхок → янгидан суғориладиган → эскидан суғориладиган йўналишда сингдириш сифими, сингдирилган катионлар гурӯхида ижобий ўзгаришлар содир бўлади, шўртоблилик даражаси пасайиб унумдорлик ортиб боради, сингдирилган Mg миқдорининг аста-секинлик билан камайиши бу тупроқлар учун хос чегарада (33-51 %) тўхтайди.

Тупроқларнинг сингдирилган катионлар миқдорига ва сифатига қараб уларни муҳити, яъни ишқорийлиги ўзгаради. Шундан келиб чиқиб $\text{Na}^+ + \text{K}^+ / \text{Ca}^+ + \text{Mg}^+ \times 100$ формула бўйича тупроқларни ишқорийлик коэффициенти ҳамда $\text{Mg}^{+2} / \text{Ca}^{+2} + \text{Mg}^{+2} \times 100$ асосида магнезиаллик коэффициентини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга киритиш яхши натижа беради, деб ўйлаймиз.

1- жадвал

Фарғона водийси суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлари ва шўрхокларининг сингдирилган катионлар таркиби

| Кесма | Чуқурлиги, | Мг-экв. | | | | | Жамига нисбатан фоизларда | | | |
|---|------------|---------|------|------|------|------|---------------------------|-------|------|------|
| | | Ca | Mg | K | Na | Жами | Ca | Mg | K | Na |
| Андижон вилояти Улуғнор тумани “Манзил” фермер хўжалиги янгидан суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар | | | | | | | | | | |
| 2 | 0-35 | 5,10 | 3,10 | 0,45 | 0,45 | 9,10 | 56,00 | 34,06 | 4,94 | 4,94 |
| | 35-50 | 4,80 | 3,10 | 0,41 | 0,40 | 8,71 | 55,11 | 35,59 | 4,71 | 4,59 |
| | 50-70 | 4,10 | 2,60 | 0,31 | 0,31 | 7,32 | 64,87 | 41,13 | 4,90 | 4,90 |
| | 70-100 | 3,10 | 2,10 | 0,21 | 0,28 | 5,69 | 54,40 | 36,91 | 3,69 | 4,93 |
| Фарғона вилояти Бешарик тумани “Кулолобод файзи” фермер хўжалиги эскидан суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар | | | | | | | | | | |
| 3 | 0-40 | 5,50 | 3,20 | 0,46 | 0,41 | 9,57 | 57,47 | 33,44 | 4,81 | 4,28 |
| | 40-50 | 4,80 | 3,10 | 0,36 | 0,36 | 8,62 | 55,80 | 35,96 | 4,18 | 4,18 |
| | 50-65 | 4,10 | 2,80 | 0,36 | 0,26 | 7,52 | 56,00 | 38,25 | 4,92 | 3,50 |
| | 65-110 | 2,90 | 1,60 | 0,26 | 0,26 | 5,02 | 57,76 | 31,87 | 5,18 | 5,18 |
| | 110-145 | 2,10 | 1,80 | 0,26 | 0,29 | 4,45 | 38,50 | 51,37 | 4,77 | 5,32 |
| | 145-200 | 2,10 | 1,80 | 0,26 | 0,26 | 4,42 | 38,51 | 51,38 | 4,79 | 5,32 |
| Фарғона вилояти Ёзёвон тумани шўрхок-қўриқхона | | | | | | | | | | |
| 1 | 1-3 | - | - | - | - | - | - | - | - | - |

| | | | | | | | | | | |
|--|---------|------|------|------|------|------|-------|-------|-------|-------|
| | 3-30 | 2,10 | 4,10 | 0,77 | 1,20 | 8,17 | 29,62 | 57,83 | 10,86 | 16,92 |
| | 30-50 | 2,20 | 3,80 | 0,67 | 1,06 | 7,73 | 28,46 | 49,16 | 8,66 | 13,71 |
| | 50-95 | 3,10 | 2,90 | 0,77 | 0,58 | 7,35 | 42,17 | 39,46 | 10,47 | 7,89 |
| | 95-130 | 2,00 | 2,10 | 0,61 | 0,70 | 5,41 | 36,97 | 38,82 | 11,27 | 12,94 |
| | 130-200 | 1,80 | 1,80 | 0,56 | 0,48 | 4,64 | 40,08 | 37,97 | 11,81 | 10,13 |

Сингдирилган катионларнинг улушини ўзгариши бошқа гидроморф тупроқлар каби бу тупроқларда ҳам сизот суви таркибидаги Mg, Na миқдорлари билан боғлиқ. Бу минтақанинг сизот сувларида сингдирилган Mg кўп. Шу боис тупроқнинг сингдирилган катионлари таркибида Mg улуши қўпликни ташкил қиласди. Сизот сувининг шўрлик даражаси ортиши билан унда K, Na ва Mg улуши ошади, демак, буларнинг тупроқ томонидан сингдирилган улушлари ҳам ошади. Сингдирилган катионларнинг ион радиуси билан уларнинг тупроқ томондан сингдирилиши тўғрисида ҳам айрим қонуниятлар борлиги аниқланди. Жумладан, бир валентли катионларни Na, K ион радиуслари 0,075, 0,133 нм. ўзаро кескин фарқ қиласди, аммо ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида сингдирилган миқдорларида кескин фарқ йўқ. Демак, суғориладиган, шўрланган ўтлоқи саз тупроқлар томонидан K⁺ ва Mg⁺² ларнинг сингдирилиши уларнинг ион радиусларига деярли боғлиқ эмас кўринади, чунки K⁺ ион радиуси Na га нисбатан деярли икки баробар катта бўлишига қарамасдан сингдирилган миқдорлар ўзаро яқин.

Худди шу ҳолатни Ca⁺² ва Mg⁺² катионлар учун ҳам қайд этиш мумкин, яъни Ca⁺² иони радиуси 0,100 нм. бўлса Mg⁺²ники эса 0,075 нм. Лекин бунда сингдирилган Mg⁺² миқдори сингдирилган Ca⁺² га нисбатан сезиларли даражада кам. Демак, сингдиришда ион радиуси ҳамда кларк миқдорлар таъсири кам сезилади. Бундай дейилишига сабаб Ca, Na, K кларклари яқин, лекин ҳар хил сингдирилади. Лекин бу борада изланишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ, чунки алмашиниш, айниқса, минерал ва тоф жинсларида элементларнинг атом ва ион радиусларига боғлиқ. Демак, ТСК да, яъни коллоид заррачани ҳам қаттиқ зарра эканлигини эътироф этсак бу жараённи (singdireshni ион радиусига боғлиқлиги) ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Гедройц К.К. Поглотительная способности почв. В 3-х т. М., 1955. Т.1-3.
2. Камилов О.К., Исаков В.Ю. Генезис и свойства окарбонационно-загипсованных почв Центральной Ферганы. - Т., 1992. -127 с.
3. Холдаров Д.М., Собиров А.О. Фаргона водийсининг шўрланган тупроқлари геокимёси ва ундан самарали фойдаланиш йўллари. “ЎзМУ хабарлари” журнали. 2022 йил 3/2/1-сон 137-140 бетлар.
4. Холдаров Д.М., Собиров А.О. Шўрланган тупроқлар ва шўрхокларнинг кимёвий таркиби. ЎзМУ хабарлари илмий журнали. №3/2, 2019 йил. 199-203 бетлар.